


Танловдан ўтиш маълумотларини бошқариш

Танловдан ўтган ўқитувчиларни рўйхатга олиш


Танловдан ўтган профессор-ўқитувчилар рўйхатини шакллантириш тизим ойнасининг **Xodimlar / Tanlovdan o'tish** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).



1-расм. Танловдан ўтган ўқитувчиларни рўйхатга олиш

Танловдан ўтган ўқитувчилар маълумотларини шакллантириш учун **+Yaratish** тугмасини танланг. Маълумотларни шакллантириш ойнасида кўйидаги амалларни бажаринг(2-расм).:


- **Xodimni tanlang** майдонидан профессор ўқитувчини танланг;
- **Tanlov lavozimi** майдонидан танлов лавозимини танланг;
- **Tanlov sanasi** майдонидан танловдан ўтган санани танланг;
- **Kengash qarori, raqami va sanasi** майдонига қарор, рақам ва санани киритинг (2-расм).



2-расм. Танловдан ўтган ўқитувчининг маълумотини шакллантириш

Барча маълумотлар шакллантирилгандан сўнг **Saqlash** тугмасини танланг. Натижада маълумотлар сақланади.

Танловдан ўтиш маълумотлари шакллантирилган ўқитувчилар рўйхатини кўриш тизим ойнасининг **Xodimlar / Tanlovdan o'tish** менюси орқали амалга оширилади (3-расм).



3-расм. Ўқитувчилар рўйхати


Худди шу кетма-кетликда танловдан ўтган барча профессор-ўқитувчиларнинг рўйхатини шакллантириб олинг.

Танловдан ўтган ўқитувчининг маълумотини таҳрирлаш

Киритилган маълумотни таҳрирлаш учун 2-расмда келтирилган ўқитувчи маълумотини шакллантириш ойнасидан керакли ўзгартиришни амалга оширинг ва сақланг.

Танловдан ўтган ўқитувчининг маълумотини ўчириш


Танловдан ўтган ўқитувчининг маълумотини ўчириш фақат администратор ролидан амалга оширилади. Бунинг учун администратор ролидан **Xodimlar / Tanlovdan o'tish** менюсини танланг. Натижада танловдан ўтган ўқитувчилар рўйхати пайдо бўлади. Ўчириш зарур бўлган ўқитувчини танланг ва ойнадан **O'chirish** тугмасини танланг (4-расм).



The screenshot shows the HEMIS OTM software interface. On the left, there is a sidebar with a tree view of 'OTM strukturası'. Under 'Xodimlar', several options are listed: Xodimlar bazasi, Xodimlar ro'yxati, O'qituvchilar ro'yxati, Malaka oshirish, Tanlovdan o'tish, O'qituvchi holati, Ilmiy status, and Xorijiy faoliyat. The main panel shows a breadcrumb navigation path: Asosiy / Tanlovdan o'tish / XAMDAMOV UTKIR RAXMATILAYEVICH. Below this, there are two input fields: 'Xodim' (XAMDAMOV UTKIR RAXMATILAYEVICH) and 'Tanlov lavozimi' (Professor). Under 'Tanlov sanasi', there are two date inputs: '2020-05-31' and 'Kapop 112/20 ot 06.03.2021'. At the bottom right, there are two buttons: 'O'chirish' (Delete) and 'Saqlash' (Save).

4-расм. Танловдан ўтган ўқитувчининг маълумотини ўчириш

Танловдан ўтган ўқитувчиларни мониторингини 3-расмда келтирилган ойнадан **Monitoring** тугмасини босиш орқали кўриш мумкин (5-расм).



The screenshot shows the HEMIS OTM software interface. On the left, there is a sidebar with a tree view of 'Xodimlar', 'Talaba harakati', 'Fanlar bazasi', and 'O'quv jarayoni'. The main panel shows a breadcrumb navigation path: Asosiy / Tanlovdan o'tish / O'qituvchilar tanlovi monitoringi. There are two dropdown menus at the top: 'Fakultetni tanlang' and 'Kafedrani tanlang'. Below this, there is a table with columns: '#', 'Xodim', 'Kafedra', 'Lavozim', 'Lavozim sanasi', 'Tanlov lavozimi', 'Tanlov sanasi', 'Farq', and 'Muddat'. The table contains two rows of data:

#	Xodim	Kafedra	Lavozim	Lavozim sanasi	Tanlov lavozimi	Tanlov sanasi	Farq	Muddat
1	OQITUVCHI TEST MAVZUGA	Test kafedra1	Stajer-o'qituvchi	03.02.2010	(berilmagan)	(berilmagan)	1	140 oy
2	XAMDAMOV UTKIR RAXMATILAYEVICH	TBTA va DT	Kafedra mudiri	09.05.2021	Professor	31.05.2020	1	17 oy

5-расм. Мониторинг ойнаси.

Мониторинг ойнасида рўйхат кўпайиб кетса **fakultetni tanlang** ёки **kafedrani tanlang** майдонидан факультет ва кафедра кесимида фильтрлаш мумкин.